

## **СЎФИЙ АЛЛОҲЁРНИНГ “МУРОД УЛ-ОРИФИН” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАСИНИНГ МАТНИЙ ТАВСИФИ**

**Далершоҳ Садулло ўғли НЕМАТОВ**

Магистрант

Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

[ndalershoh@gmail.com](mailto:ndalershoh@gmail.com)

### **Аннотация**

Ушбу мақолада Сўфий Аллоҳёрнинг “Мурод ул-орифин” асарининг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида №12497 инвентар рақами остида сақланаётган қўлёзма нусхаси кодикологик ва матншунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Қўлёзманинг ёзув услуби, варақлар тартиби, хошия ёзувлари ҳамда пойгир тизими ўрганилган. Шунингдек, мазкур қўлёзма таркибида мавжуд бўлган форс тилидаги номаълум матнлар ҳамда “Мурод ул-орифин” асарининг шеърӣ қисми таҳлил қилинган. Ушбу нусха бошқа қўлёзмалар билан қиёсий ўрганилиб, айрим байтлар тушиб қолгани ва матннинг тўлиқ сақланмагани аниқланган.

**Таянч сўзлар:** “Мурод ул-орифин”, қўлёзма, матншунослик, манбашунослик, кодикология, форсий матнлар, қиёсий таҳлил.

## **ТЕКСТОЛОГИЧЕСКОЕ ОПИСАНИЕ РУКОПИСИ ПРОИЗВЕДЕНИЯ СУФИ АЛЛАЯРА «МУРАД УЛЬ-АРИФИН»**

**Далершоҳ Садулло ўғли НЕМАТОВ**

Магистрант

университет

узбекского языка и литературы имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

### **Аннотация**

В данной статье с кодикологической и текстологической точек зрения анализируется рукописная копия произведения Суфи Аллаяра «Мурад уль-арифин», хранящаяся в фонде Института востоковедения имени Абу Райхана Беруни Академии наук Республики Узбекистан под инвентарным номером №12497. В ходе исследования изучены стиль письма (почерк) рукописи, порядок листов, маргиналии (записи на полях), а также система кустод (пойгир). Кроме того, проанализированы содержащиеся в данном произведении неизвестные тексты на фарси и поэтическая часть произведения «Мурад уль-арифин». В результате сравнительного изучения данного произведения с другими рукописями было выявлено отсутствие некоторых бейтов и неполная сохранность текста.

**Ключевые слова:** «Мурад уль-арифин», рукопись, текстология, источниковедение, кодикология, тексты на фарси, сравнительный анализ.

Сўфий Аллоҳёр XVII–XVIII асрлар тасаввуф адабиётининг йирик намояндаларидан бири ҳисобланади. Унинг “Мурод ул-орифин” асари тасаввуфий мазмунда ёзилган бўлиб, маънавий-ахлоқий тарбия ва ирфоний ғояларни тарғиб этувчи муҳим манбалардан саналади. Мазкур асар асрлар давомида кенг тарқалиб, турли даврларда кўплаб қўлёзма нусхалари кўчирилган.

Қўлёзма манбаларни ўрганиш, уларнинг матний таркиби ва кодикологик хусусиятларини таҳлил қилиш матншунослик ва манбашунослик тадқиқотларининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Айниқса, муайян асарнинг турли қўлёзма нусхаларини қиёсий таҳлил қилиш орқали матннинг асл кўринишига яқин вариантларини аниқлаш имконияти пайдо бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида Сўфий Аллоҳёрнинг “Мурод ул-орифин” асарининг бир нечта қўлёзма нусхалари сақланади. Улардан бири №12497 инвентар рақами билан қайд этилган қўлёзма бўлиб, унинг таркиби, матний хусусиятлари ва сақланиш ҳолати ҳозиргача алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Мазкур №12497 инвентар рақами остида сақланаётган Сўфий Аллоҳёрнинг “Мурод ул-орифин” асари қўлёзмаси хижрий 1209 йилда номаълум котиб томонидан настаълиқ хатида қора сиёҳ билан кўчирилган. Китоб муқоваси нақшсиз бўлиб, тахминан 2 мм қалинликдаги тўқ кўк рангли каттик картондан тайёрланган ва ўртача ҳолатда сақланган. Мазкур фонднинг асосий қўлёзмалар каталогига кўра, қўлёзманинг муқова ўлчами 21×10,5 см

деб кўрсатилган. Бироқ мукова ўлчами қайта ўрганилганда 19×12 см экани маълум бўлди.

Қўлёзма новвотранг Қўқон қоғозида кўчирилган бўлиб, ҳар бир саҳифада ўртача 11 қатор матн жойлашган. Варақларда тешилган ёки йиртилган жойлар деярли учрамайди. Бетларнинг кетма-кетлигини аниқ кўрсатиш мақсадида котиб пойгирдан мукаммал фойдаланган. Бироқ 11-б варақдаги пойгир 12-а варақ бошидаги сўз билан мос келмайди. Бу ҳолат мазкур бетлар орасида ёзилмаган бир варақ кўшилганини кўрсатади. Бундан маълум бўладики, ўртадаги бир варақ йўқолган бўлиб, қўлёзмани таъмирлаш жараёнида таъмирловчи буни англаб, бошқа нусхалар билан қиёслаган ҳолда бир варақ қўшган. Таъмирловчининг бошқа нусхалар билан солиштиргани шу билан ҳам тасдиқланадики, ушбу жой бошқа нусхалар билан муқояса қилинганда бир варақ ҳажмидаги матн тушиб қолгани маълум бўлади. Демак, котиб пойгир қондасига мукаммал риоя қилган ва бу ерда унинг вазифаси аниқ намоён бўлади.

Қўлёзмани таъмирлаш мақсадида муқованинг ички қисмига оқ қоғоз ёпиштирилиб, елимланган ва 1-а варақдан олдин тўртта ёзилмаган оқ варақ кўшимча равишда киритилган. Қўлёзма варақларидаги асосий матн жадвалга олинган бўлиб, ҳошия учун юқори ва паст қисмидан 3 см, ён томонидан эса 4 см ўлчамда жой қолдирилган. Бу ҳошияларда асосий матндан тушиб қолган ёки нотўғри ёзилган сўзлар изоҳи қайд этилган. Шунингдек, айрим бетлар ҳошиясида нотаниш сўзларнинг маъноси кўчирувчи томонидан изоҳлаб ёзилган.

Қўлёзманинг умумий ҳажми 165 варақдан иборат бўлиб, унда “Мурод ул-орифин” асари билан бирга форс тилида битилган асар ҳамда араб ва форс тилларидаги айрим мисралар ҳам мавжуд. Қўлёзма 6 қисмдан иборат. Мазкур қўлёзмадаги матнларнинг кетма-кетлиги ва варақлардаги жойлашуви қуйидагича:

*1-қисм.* 1-а варақ: Котиб томонидан муқаддима тарзида ёзилган ушбу матнлар Аллоҳ таолога ҳамд ва Пайғамбар (с.а.в.) нинг наътларига бағишланган қуйидаги арабча матнлардан иборат:

الحمد لله الذي نور مصابيح القلوب بأنوار المحبة وزين بواطنها بروح المعرفة ونعمت الصلاة

على محمد وآله المتصفين بكماله وأصحابه وأدبائه. [5; 1-а варақ]

Таржимаси: *(Ҳамд ва шуқр Аллоҳга бўлсинки, У зот қалбларнинг чироқларини муҳаббат нури билан ёритди ва инсон ботинини маърифат руҳи билан беади. Энг гўзал дуо ва салавотлар Муҳаммад (с.а.в.)га ва у зотнинг аҳли байтларига бўлсин — улар у зотнинг камолоти билан сифатланганлардир. Шунингдек, у зотнинг асҳоблари ва одоб-ахлоқини ўрганган муҳибларига ҳам саловотлар бўлсин.)*

*2-қисм:* 1-б варақдан бошлаб 8-б вараққа қадар форс-тожик тилида бир нечта асардан қисман кўчирилган матнлар жамланган. Қўлёманинг ҳеч бир жойида ушбу матнларнинг муаллифи ёки қайси асарга тегишли экани кўрсатилмаган. Шу сабабли мазкур ёзувларни муайян бир асарга нисбат бериш мушкул. Аксинча, уларни бир нечта номаълум асарлардан қисман кўчирилган матнлар тўплами сифатида баҳолаш тўғрироқ бўлади. Чунки матнлар турли услуб ва мазмунда битилган бўлиб, мавзу жиҳатидан ҳам бири-бирига мутлақо мос келмайдиган мисраларни ўз ичига олади. Ушбу қисм форс тилида ёзилган бир рубоий билан яқунланган. [5; 8-б варақ]

*3-қисм:* 9-а варақдан 9-б вараққа қадар “Ёсин” сурасининг фазилятлари ҳақида форс тилида ёзилган матнлар жой олган.

*4-қисм:* 10-а варақда “Ғофир” сурасининг 75-ояти кўчирилган:

ذَلِكُمْ بِمَا كُنْتُمْ تَفْرَحُونَ فِي الْأَرْضِ بِغَيْرِ الْحَقِّ وَبِمَا كُنْتُمْ تَمْرَحُونَ

Таржимаси: *(Бу (азоб) ер юзида ноҳақ шодланиб юрганнингиз ва кибр билан маст бўлганингиз сабаблидир.) [2; Ғофир сураси, 75-оят]*

*5-қисм:* 10-б варақдан бошлаб 38-а вараққа қадар “Мурод ул-орифин” асари жой олган. Ушбу қисмда асарнинг шеърий мисралари нуқта ва

ҳаракатларсиз “Басмала” билан бошланиб, қуйидаги муножот байтлари келтирилган:

الهی، نور مقصودم ز درگاه،  
بکن تابنده تا بنده رود راه.  
به توفیق هدایت دین مارا،  
چنان آرا به اعدا نبود آرا.

*Мазмуни: (Эй Аллоҳ, барча мақсадларимнинг зиёси Сенинг даргоҳингдандир. Зулматли йўлимни нурли қил, токи бу банда ҳидоят йўлига қадам қўйсин. Динимизни тавфиқ ва ҳидоят билан шундай безагинки, душманлар ҳайратда қолсин).*

Юқорида таъкидланганидек, қўлэзма қора сиёҳ билан кўчирилган. Бироқ “Мурод ул-орифин” асарига тегишли 24-б ва 25-а варақлардаги جو ва خا сўзлари қизил сиёҳ билан ёзилган бўлиб, бу ҳолатнинг сабаби номаълум.

“Мурод ул-орифин” абёти кўчирилган саҳифаларда бирор қисм номи келтирилмаган. Бу эса асар таркибидаги матнларнинг тартиб ва кетма-кетлик жиҳатидан мукамал жойлашмаганини кўрсатади. Масалан, муножот, наът ва фасллар номлари қайд этилмасдан кўчирилган. Шу боис айрим маснавий байтларнинг қайси фаслга тегишли экани номаълумлигича қолмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида №731 ва №1902 инвентар рақамлари остида сақланаётган нусхалар билан қиёсий таҳлил қилинганда, мазкур қўлэзмада айрим байтлар тушиб қолгани аниқланди. Масалан, муножот қисмидан қуйидаги байтлар мавжуд эмас:

به انواع کرم در حشر مردان،  
به نور بنده بودن زنده گردان.  
ز نیکی های آن که نیکبخت است،  
بکن روزی مرا روزی که سخت است.  
در آن لب تشنگی و طول ساعت،

بکن سیرابم از حوضِ شفاعت. [3; 2-а варақ]

Таржимаси:

*Турли караминг билан маҳшар кунда,  
Бандалик нури билан мени тирилтир.  
Солиҳ бандаларингни насибасидек,  
Ўша оғир кунда менга ҳам насиба бер.  
Ўша лаблар чанқаган, соатлари узун кунда,  
Мени шафоат ҳовузидан сероб айла.*

ده از تسليم قربت شربتِ شوق،

نماند در چنان حاله به جز ذوق. [3; 2-б варақ]

Таржимаси:

*Қурбатга таслим бўлиш орқали ишқ шарбатини ато эт,  
Шундай даҳшатли ҳолда завқдан бошқа ҳеч нарса қолмасин.*

تو را آسان بود از مهربانی،

به مقصودی که من دارم رسانی. [5; 2-а варақ, 3; 2-б варақ]

Таржимаси:

*Сен учун осондир — меҳрибонлигинг билан  
Мени кўзлаган мақсадимга етказиш.*

Ушбу байтлар №731 ва №1902 нусхаларида ўзидан олдин келган мисралар билан мазмун жиҳатидан узвий боғлиқ ҳолда келади. Шунингдек, мазкур қўлёзмада маснавий жанрида ёзилган 11 байтдан иборат наът, чаҳор ёрга бағишланган 4 байт ва биринчи фасл бошидан 8 байт мавжуд эмас.

Асар қуйидаги мисралар билан якун топган:

به لطف و رحمت پروردگاری،

سوایی خود ز قلب ما براری.

به مسکینی در این بایم، بایم،

در عجز از طریق تازه یابیم. [5; 37-а варақ]

Таржимаси:

*Эй Парвардигор, лутфу раҳматинг билан,*

*Ўзингдан бошқани қалбимиздан чиқаргин.*

*Бу дунёда мискинлик билан боймиз,*

*Мукофот эшигини янги йўл билан тонамиз.*

б-қисм: 39-а варақдан 165-а вараққа қадар форс-тожик тилида ёзилган номаълум асар кўчирилган. Мазкур асар муқаддима билан бошланиб, сўнг сажъ санъатида битилган қуйидаги муножот келтирилган:

"الهي، به عزت آنها که رخس همّت در سياحتِ ميدانِ قناعتِ تاخته‌اند و نقدِ حيات در تحصيلِ

احباب ..... تعلق سر باخته‌اند." [5; 165-а варақ]

Таржимаси: (*Эй Аллоҳ, ўшаларнинг шарафи билан — кимларки ҳиммат отини қаноат майдонида чоптирган ва ҳаёт сармоясини ҳақиқатни англаш йўлида фидо этганлар*).

Маснавий тугаганидан сўнг, варақнинг кейинги бетида колофон қисми келтирилган. Колофонда асарнинг кўчирилган санаси ҳақида маълумот берилган ҳамда форс тилида қуйидаги байт ёзилган:

ابوحنيفة وقت است صوفى الله يار،

خدای داد به او با و او، قال و حال را بسیار.

هر آن که عمده تاریخ او بپرسد،

بگو تو قاف و خا و عین و لام را بشمار. [5; 38-а варақ]

Таржимаси:

*Сўфий Аллоҳёр замонасининг Абу Ҳанифасидир,*

*Худо унга “бо” ва “вав”, “қол” ва “ҳол” илмларини бисёр ато этди.*

*Кимки унинг тарихий санасини сўраса,*

*Айт: “қоф, хо, айн ва лом” ҳарфларини санасин.*

غریق رحمت یزدان کسی باد،

که کاتب را با حمدی کند یاد.

هر که خواند دعا طمع دارم،

زان که من بنده گنه‌کارم. [5; 165-б варақ]

Таржимаси:

*Аллоҳнинг раҳматига гарқ бўлсин,*

*Котибни ҳамд билан ёд этган киши.*

*Ким ўқиса мен ҳақимда дуо қилсин,*

*Чунки мен гуноҳкор бандаман.*

Ўрганиш натижасида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фондида №12497 инвентар рақами билан сақланаётган қўлёзма таркибида бир нечта турли мазмундаги матнлар жамлангани аниқланди. Қўлёзмада “Ёсин” сурасининг хусусиятлари ҳақидаги ёзувлар, форс-тожик тилида битилган номаълум асарлар ҳамда Сўфий Аллоҳёрнинг “Мурод ул-орифин” асарининг шеърӣ қисми мавжуд.

Тадқиқот давомида “Мурод ул-орифин” асарининг мазкур нусхадаги матни бошқа қўлёзма нусхалар билан қиёсий таҳлил қилинди. Натижада айрим байтлар тушиб қолгани, баъзи қисмлар тартибсиз жойлашгани ва асар таркибидаги айрим фасллар номлари келтирилмагани маълум бўлди. Шу сабабли, ушбу қўлёзма асарнинг тўлиқ ва ишончли матнини тиклаш учун асосий манба сифатида хизмат қила олмайди. Бироқ у қўлёзманинг тарқалиш тарихи, нусхалар ўртасидаги фарқлар ҳамда матншунослик тадқиқотлари учун муҳим манба ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Зоҳидов Р. “Сабот-ул-ојизин” асари матни, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. – Тошкент: Turon zamin ziyo, 2015. – 264 б.
2. Иноятов А., Зикриллаев Ғ. Қуръони карим оятлари мазмун-маъносининг ўзбекча изоҳли таржимаси. – Тошкент: Nilol nashr, 2022.

3. Сўфий Аллоҳёр. Мурод ул-орифин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, №731 қўлёзма.

4. Сўфий Аллоҳёр. Мурод ул-орифин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, №1902 қўлёзма.

5. Сўфий Аллоҳёр. Мурод ул-орифин. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти фонди, №12497 қўлёзма.

6. Сирожиддинов Ш. Матншунослик сабоқлари. – Тошкент: A.Navoiy universiteti, 2019. – 128 б.

7. Эркинов А. Матншунослик ва манбашунослик асослари (ўқув қўлланмаси). – Тошкент, 2019. – 103 б.